



Қадринг мудом баланд бўлсин!

2


ШАФФОФ МЕХАНИЗМНИ АЙЛАНИБ ЎТАЁТГАНЛАР КИМЛАР?

3



СЕН БОРКИ, ХАЛҚ БЎЛИБ БИРЛАШАМИЗ БИЗ!

4



www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchgz

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
22 октябрь
шанба
№ 129 (4725)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар! Аввало, Сиз, азизларни бугунги кутлуғ айём – Ўзбек тили байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Инсон учун киндик қони томган Ватани, дунёга келтириб вояга етказган ота-онаси қанчалик азиз ва муқаррам бўлса, унинг ўзлиги ва маънавий олами билан белгиладиган она тили ҳам шунчалик қадри ва мўътабардир.

Қадим туркий тилимизни илк бор илмий асосда тадқиқ этган буюк аллома Махмуд Қошғарийнинг: «**Эрдам боши тилдур**», яъни «Барча эзгуликлар тилдан бошланур», деган сўзларида теран ҳақиқат мужассам. Дарҳақиқат, одамзот қалбидаги жамики олижаноб фазилатлар она тилининг бетакрор мўъжизаси, сеҳри ва жозибаси билан қамолга етади.

Халқимиз тафаккурининг тиниқ кўзгуси бўлган бу бебаҳо хазинани асраб-авайлаш ва ривожлантириш бугунги кундаги энг шарафли вазифаларимиздан биридир.

Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий бобомизнинг: «**Тилга эътибор – элга эътибор**», деган доно ўғитлари амак қилган ҳолда, юртимизда тил масаласида олиб борилаётган давлат сиёсати инсон қадрини улуғлашга қаратилган туб ислохотларимизга ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини ошириш борасида янги босқич бошланди, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Хусусан, 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни деб белгилангани унутилмас, тарихий воқеага айланди. Давлат тилининг нуфузи ва мақомини юксалтиришга қаратилган фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу йўналишда 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепция ва алоҳида дастур ҳаётга жорий этилмокда.

Бу ҳақда гапирганда, яқинда қабул қилинган тегишли қонунларга асосан реклама ва тарғибот материалларини давлат тилида эълон қилиш тартиблари ҳамда давлат фуқаролик хизматида қабул қилишда ўзбек тилини билиш даражаси бўйича аниқ талаблар белгилангани таъкидлаш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси таркибида Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаментининг фаолияти йўлга қўйилди. Марказда ва жойларда давлат тилини ўргатиш курслари иш олиб бормоқда.

Қисқа вақт ичида беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», ўндан ортқ соҳага оид атамалар луғатлари, ўттиз жилдлик «Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги» тадқиқотлар мажмуаси яратилди.

Шу кунларда она тилимизда «Туркий адабиёт дурдоналари» номли юз жилдлик мухташам тўплам нашрдан чиқаётгани, фаол ва истеъдодли ёшларимизнинг сайъ-ҳаракатлари билан Интернет тармоғидаги ўзбекча маълумотлар электрон базаси бойитиб борилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг сара намуналари хорижий тилларга таржима қилиниб, чет эллик китобхонларнинг ҳам эътиборини қозонмокда. Истеъдодли олим ва ижодкорларимиз қаламига мансуб илмий ва бадиий асарлар нуфузли халқаро мукофотларга сазовор бўлмокда.

Хорижий давлатлар ўқувчилари ўртасида Ўзбек тили ва адабиёти халқаро олимпиадасини ўтказиш йўлга қўйилгани ҳам она тилимизни кенг

тарғиб қилишга хизмат қилмокда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида 50 миллионга яқин киши ўзбек тилида сўзлашмокда. Кўпласи мамлакатларда бу йўнал ва жозибали тил катта иштиёқ билан ўрганилмокда.

Айни пайтда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг тили, маданияти ва қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилмокда. Биз бу йўналишда олиб бораётган ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Хурматли дўстлар! Ҳаммамизга аёнки, кўп миллатли халқимизни юксак маърифатли жамият барпо этишдек эзгу мақсад йўлида жипслаштириш, юртдошларимиз қалбига ягона Ватан, умумий фаровон келажак туйғусини синдиришда ўзбек тили бирлаштирувчи аҳамиятга эгадир.

Шу боис, Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, Учинчи юксалиш даври пойдеворини яратишга қаратилган тарихий ислохотлар жараёнида ўзбек тилини ривожлантириш бўйича белгилаб олган вазифаларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Бугунги кунда ёшларимизнинг дунёқараши, одоб-ахлоқи ва нутқ маданиятига салбий таъсир кўрсатаётган иллатлар, айниқса, турли электрон воситалар орқали тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдидларга қарши маърифат ва илм билан самарали кураш олиб бориш ҳаётий заруратга айланган.

Бу борада ахборот-коммуникация технологияларининг тилини ўзбекчалаштириш, бутунжаҳон Интернет тармоғидаги миллий сегментни янада бойитиш, ўзбек ва хорижий тиллар бўйича луғат ва сўзлашгичларнинг янги авлодини яратиш кечиктириб бўлмас вазифаларимиз сирасига киради.

Жаҳон тараққиёти ютуқлари ва қимматли манбаларни ўзбек тилига таржима қилиш орқали она тилимизни илм-фан ва инновациялар тили сифатида ривожлантириш учун муштақам замин яратишимиз зарур.

Шу маънода, XX аср бошида яшаб ижод қилган, ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларидаги сўзларни ўз ичига олган бебаҳо луғат китобини яратган маърифатпарвар бобомиз Исҳоқхон Ибратнинг: «**Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун сайъ-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу Ватаний ишдир**», деган ҳикматли сўзлари биз учун муҳим дастуриямал, ҳаёт йўлимизни ёритадиган маёқ бўлиб хизмат қилиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий ўзлигимиз ва ғуруримиз тимсоли бўлган она тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча фидойи ватандошларимизга чин қалбдан миннатдорлик билдираман.

Азиз юртдошлар! Сизларни яна бир бор Ўзбек тили байрами билан самимий кутлаб, барчангизга муштақам саломатлик, оилангизга кут-баракат, тинчлик ва омонлик тилайман.

Она тилимизнинг сўнмас зиёси онгу тафаккуримиз, қалбларимизни ҳамisha ёритиб турсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ ҲАМ КАТТА БАЙРАМИДИР

«Туркистон» саройида 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси вакиллари, турли идора ва

ташкilotлар, вазирликларнинг мутасаддилари, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни муносабати би-

лан Ўзбекистон халқига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Тантананда мамлакатимизда учинчи марта ўтказилаётган «Қадринг баланд бўлсин, она тилим!» республика танловининг турли йўна-

лиш ва номинациялари бўйича ғолиб ва совриндор бўлган ташиклотлар, идоралар вакиллари қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди. Санъат усталари ижросидаги катта концерт дастури намойиш этилди.

Ў.А.



Эҳтиром

УЛАР ДОИМ АРДОҚДА

Маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси томонидан тизимда меҳнат қилаётган ва ҳозирда кенсалик гаштини сураётган устозлар учун байрам тадбири ташкил этилиб, уларга иззат-икром кўрсатилди.

Тадбир асноси фахрий устозлар ҳамкасблари билан дийдорлашиб, бир пиёла чой устида дилдан сўхбатлашдилар. Устозларга эҳтиром кўрсатилиб эсдалик совғалари топширилди.

Манзураҳон АҚРАМОВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси раиси

Семинар

Кўлни кўлга бериб...

Шаҳрисабз шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида ҳудуддаги бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Уни Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши раиси Умиджон Ортиқов тизимдаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ишларни режалаштириш, иш юритиш ва бошқа муҳим жиҳатлар юзасидан муфассал маълумот берди.


Семинар иштирокчилари 1-умумтаълим мактаби қасаба уюшма қўмитасидаги мавжуд ҳужжатлар, ходимларни спорт машғулотларига жалб қилиш, саёҳатлар уюштириш, жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши бўйича иш берувчи ва қасаба уюшма қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, муассасада меҳнат муносабатларининг тартибга солиниши, ходимларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилиниши каби жараёнлар билан танишдилар.

Ўқув-семинар давомида меҳнат жамоаларида ўтказиладиган тадбирларнинг ташкилий жиҳатлари, ҳужжатларнинг тўғри юритилиши борасида зарур тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Келгуси сонларда ўқинг...



Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Берди-мухамедовнинг таклифига биноан 20-21 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.



Ҳукумат қарори билан Ўзбекистон электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари тасдиқланди.



Ўзбекистон бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев ва Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Бахит Торобоев ўртасида видеоконференция тарзида учрашув бўлиб ўтди.




Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов IT Паркда Европа Иттифоқининг Марказий Осие бўйича махсус вакили Терхи Хакала билан учрашди.



Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов АКШ савдо вазири ўринбосари Марис Лаго бошчилигидаги делегация аъзолари билан ўзқаралар ўтказди.



Ўзбекистон Бош консулхонаси томонидан Россиянинг Красноярск ўлкаси, Тива ва Хакасия туркоманиялари вакиллари иштирокида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишланган онлайн тақдирмот ўтказилди.




18-19 октябрь кунлари Тожикистон ҳукумати ва BMT Терро-ризмга қарши кураш бошқармаси тақдифига биноан, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Владимир Норов бошчилигидаги делегация юқори даражадаги халқаро конференцияда иштирок этди.



Ўзбекистоннинг Венгриядаги элчиси (қароргоҳи Вена шаҳрида) Аббат Файзуллаев Будапешт шаҳрида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш бўйича мамлакат етакчи компанияларидан бири – Volafarm Group бош ижрочи директори Антила Чань билан музокаралар ўтказди.



Андижон вилояти Хонобод шаҳрида «Hanabad wellness-resort» (Хонобод – соғломлаштириш маркази) I халқаро экотуризм форуми ўз иштини бошлади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Фаргона вилояти

Сайёр қабул

Ҳар бир мурожаат эътиборда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгашида фуқаролар учун сайёр қабул ташкил этилди.

Мурожаатлар вилоят кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев, кенгаш раиси ўринбосари Орзикул Қозихонова, ҳуқуқшунослар ва тармоқ касаба уюшмалари раислари иштирокида ўрганиб чиқилди. Хусусан, Фаргона шаҳрида яшовчи Рўзиқон Эгамбердиева, Дилшод Ҳасанов ва Бахтиёр Нурматовнинг бандлик масаласидаги мурожаатлари ўз ижобатини топди. Улар Фаргона шаҳар ободонлаштириш бошқармасида иш бошлайдиган бўлдилар.

Фаргона шаҳрида яшовчи Гулбахор Кимсанованинг уй-жой масаласи бўйича мурожаати юзасидан кенгаш ҳуқуқшунослари томонидан ҳуқуқий ту-

шунча берилиб, унга ҳам кўмак бериладиган бўлди. Сайёр қабул давомида Фаргона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси масъуллари томонидан ишчи-ҳодимларга махсус кийимлар етишмаслиги, бу бўйича бошқарма томонидан ҳокимликка бир неча бор мурожаат қилинган бўлса-да, ҳеч қандай ёрдам берилмаётгани масаласи ўртага ташланди. Ушбу масала эса касаба уюшмалари назоратига олинди.

Сайёр қабулдаги барча мурожаатлар ижрога қаратилиб, уларга масъуллар белгиланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Яқинда Миср Араб Республикасининг Коммунал ва газ ташкилотлари бош касаба уюшмаси делегацияси аъзолари мамлакатимизда меҳмон бўлишди. Улар Қашқадарёдаги «Uzbekistan GTL» ва «Шўртанга-кимё» мажмуаларига ташриф буюриб, ушбу корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдилар. Шунингдек, бошланғич касаба уюшма кўмиталари фаолиятига ҳам қизиқдилар.

Сафарнинг иккинчи куни меҳмонлар Шаҳрисабздаги «Лочин» болалар оромгоҳига боришди. Бу ерда маҳаллий касабақўм етакчилари билан бирга касаба уюшма кўмиталари ва меҳнат инспекциялари фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган семинарда иштирок этишди.

Тадбирни Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси-



Халқаро ҳамкорлик

Гигант корхоналаримизнинг мисрлик меҳмонлари

нинг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Акбар Юсупов очиб берди. Сўнгра тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Халқаро ишлар бўлими мудирини Собиржон Эгамбердиев охириги йилларда турли хорижий давлатлар касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилгани, касабақўм етакчилари тажриба алмашиш учун кўплаб хорижий давлатларга боришаётгани, бундай учрашувларнинг фойдаси катта экани ҳақида сўз юритди. Шунингдек, кенгашнинг Ижтимоий ҳимоя бўлими мудирини

Раҳматилла Жўраев ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг вазифалари, Бош ва тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларининг ўрни ҳақидаги таҳлилий фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ўз навбатида, мисрлик меҳмонлар ҳам республикадаги тармоқ касаба уюшмаси фаолияти, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этишдаги устувор йўналишлар ҳақида маълумот бериб ўтишди.

Томонлар ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун қатор келишувлар ва битимлар имзолашди. Тадбирдан сўнг иккала давлат касаба уюшма фаоллари мини футбол ўйинида иштирок этишди. Бу ўртоқлик учрашуви 3:3 ҳисобида аяқланди.

Тегиримон навбати билан деганларидек, энди ўзбекистонлик касаба уюшма фаоллари тажриба алмашиш учун Миср Араб Республикасига боришади.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Мамлакатимизда гендер тенгликда мутаносибликка эришиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларимизнинг ўз даражасидаги амаллари билан андармон бўлиб қолиши барҳам топмоқда. Макон-манзилдан қатъи назар, ҳар бир хотин-қизга жамият эътибори қаратилмоқда. Бу борадаги фидойилик, опа-сингилларимиз муаммоларини ҳал этишдаги жонбозлик ҳам ўз эътирофини топмоқда.

Хозир худди ана шу мақсадда «Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш» бўйича танлов ўтказилмоқда. Куни кеча унинг Самарқанд вилояти босқичи аяқланди.

Қатор номинациялар бўйича бажарилган ишлар таҳлил қилинди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Ҳар бир йўналиш адолат мезонларига асосланган ҳолда ҳолисона баҳоланди. Ғолиблар эгаллаган ўринларига мутаносиб равишда 10 миллион, 5 миллион ва 3 миллион сўм миқдордаги пул мукофотларига лойиқ кўрилди. Самарқанд шаҳар ИИБ бошлиғи Исмажон Ибрагимов «Энг яхши сектор раҳбари», Пахтачи туманидаги «Фаровон Йўлдошобод» МФЙ раиси

Танлов



ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Маърифат Эшонқулов «Энг яхши маҳалла раиси», Булунгур туманидаги «Мингчинор» МФЙ ҳоким ёрдамчиси Сирождин Муродов «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», Пайариқ туманидаги «Тошхўвуз» МФЙ хотин-қизлар фаоли Моҳичеҳра Нурмонова «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», Жомбой туманидаги «Шодлик» МФЙ ёшлар етакчиси Наргиза Ғаффарова «Энг яхши ёшлар етакчиси», Тойлоқ туманидаги «Амонова Лобар Абдуҳалимовна» ОК раҳбари Лобар Амонова «Энг яхши иш берувчи аёл» номинацияси совриндори деб топилди.

Ғолиблар танлов республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Бухоро вилояти

Ижодий кеча



Қадринг мудом баланд бўлсин!

Бухоро шаҳридаги «Муруват» ноғиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйида «Тил – миллат тафаккурининг бебаҳо хазинаси» мавзусида ижодий кеча ўтказилди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 33 йил-

лигига бағишлаб тайёрланган адабий дастурда ўзбек тилининг бой имкониятлари намойиш этилди.

Бухоро шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар мактаби «Рақс» тўғараги жамоасининг мусиқий чиқишлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Шаҳрибону ҲУСЕНОВА

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган сана муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармасига қарашли санаторийларда ҳам маънавий-маърифий тадбирлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, шеърят кечалари ўтказилди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида жойлашган «Турон» санаторийида маърифат соати ўтказилди. Шоир Шукр Курбон инсон учун Ватани, ота-онаси, оиласи қанчалик муқаддас бўлса, она тили ҳам шунчалик азизлиги, ҳаттоки, гўдак ҳам дунёни она тили орқали англаши, шунинг учун доим тил, миллат, Ватан тушунчалари ёнма-ён юриши, тилсиз жамият тараққий топмаслиги, она тили – миллат руҳи, ор-номуси экани ҳақида сўз юритди.

Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган «Бо-

Ўзлигимизни англашга хизмат қилади



танника», «Умид гулшани», «Бўстон» санаторийларида ўтказилган «Она тили – миллатнинг руҳи ва ор-номусидир» мавзусидаги тадбирларда Санатор-курортлар бошқармаси маданий-маърифий ишлар бўйича мутахассиси Маҳмуд Мурзаева давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири

эканини айтиб ўтди.

Қашқадарё вилоятидаги «Қашқадарё соҳили», Сирдарё вилоятидаги «Янгиер» санаторийларида ўтган кечаларда ҳам турли синовларни бошидан кечирган матонатли халқимиз буюк маданият намуналари, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратилган ўз она тилини – миллий ғурурини

сақлаб қолгани эътироф этилди. Она тилимизга муносиб хурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиз бўлиб, бундай ҳаракатни, аввало, ўзимиздан, оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз билан ўзбек тилини ривожлантиришга бевосита улкан ҳисса қўшган бўлишимиз алоҳида таъкидланди.

Худди шундай тадбирлар Тошкент шаҳридаги «Чинобод плаза», Жиззах вилоятидаги «Зомин», Сурхондарё вилоятидаги «Термиз марвариди», «Хожайпоқ», Самарқанд вилоятидаги «Абу Али Инб Сино», Хоразм вилоятидаги «Хонқа», Бухоро вилоятидаги «Ситораи Моҳи Хоса», Тошкент вилоятидаги «Заркент» санаторийларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Севара ЭШОНҚУЛОВА



Тошкент шаҳри



Она тили – миллат руҳи

«Чинобод» санаторийида «Она тили миллатнинг руҳи ва ор-номусидир» мавзусида маърифий кеча ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар она тилимизнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти ҳақида сўз юритишди. Абдулла Қодирийнинг «Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тункамасинлар», деган сўзини ёдга олишиб, она тили – миллат руҳи эканини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда дам олувчилар ўзбек тилига бағишланган шеърлар ўқиди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар даврага ўзгача файз бағишлади.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторияси» АЖ
Маънавият ва маърифат кенгаши котиби



Тошкент вилояти

Давра суҳбати

ДОИМИЙ ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Куйи Чирчиқ туманидаги «Кўҳинур» санаторийида бўлиб ўтган маърифий тадбир «Она тилимиз – миллатимиз кўзгуси» деб номланди. Давра суҳбатиде санаторий ходимлари ҳамда дам олувчилар қатнашдилар. Сўзга чиққанлар юртимизда ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми белгилангандан сўнг унга қаратилётган эътиборни ва айна йўналишда амалга оширилаётган ишларни эътироф этишди. Ўз навбатида, миллий тилимизни эъзозлаш, фарзандларимизни унга хурмат руҳида тарбиялаш маънавий бурчимиз эканини алоҳида таъкидлашди.

– Миллатимиз кўзгуси саналган тилимизнинг халқаро миқёсдаги маъқени оширишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур, – деди санаторийнинг маданият ва маърифат ишлари бўйича етакчиси Муҳайё Мирзаева. – Бунинг учун, аввало, ушбу масалага юксак масъулият билан ёндашимиз, она тилимизни ҳар доим эъзозлашимиз зарур. Ана шунда у тараққий этган тиллар қаторидан ўрин олади.

Раъно МАҲҚАМОВА
«ISHONCH»



БИР МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ

Мамлакатимизда ҳам 2022 йилдан эътиборан Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат хизматчиларини ишга қабул қилишнинг шаффоф механизмини жорий этиш мақсадида «vacancy.argsos.uz» платформаси ташкил этилди.

Платформа Бирлашган Араб Амириклар, Буюк Британия, Германия ва Россия каби давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда жорий этилиб, бугунги кунда тизимда 70 дан ортиқ вазирлик ва идоралардаги вакант лавозимлар эълон қилиниб борилмоқда.

2022 йилнинг 18 октябргача платформада бир миллион бир юз етмиш беш минг нафардан зиёд иштирокчи қатнашиб, уларнинг 465 минг нафаридан ошиги иккинчи босқичга, 200 минг нафаридан ортиги учинчи – суҳбат босқичига ўтган. 41 минг 600 нафари ишга қабул қилинган. Ишга жойлашганларнинг 14 минг нафари аёллар бўлса, яна шунчаси 30 ёшга бўлганлар ташкил этган. 6,5 минг нафари эса давлат фуқаролик хизматига биринчи маротаба қабул қилинган.

Платформага ўтган икки ярим йил давомида бир миллиондан ортиқ муурожаат бўлганининг ўзиде (айрим номзодлар бир неча вакант лавозимга даъвогарлик қилганини унутмаслик керак) ишга кириш масаласида шаффофликка эришилди, унда ислохотлар амалга оширилиши қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Платформа ташкилий жиҳатдан яхши тузилган бўлишига қарамай, вилоят ва туман ташкилотларида кадрлар бўйича инспекторлар тизимда ишлагани ҳали ўзлаштирилмаган. Айрим ҳолатларда эса уларнинг инсон омили аралашувига йўл қўйётганини ҳам пайқаш мумкин. Бу эса керакли номзодларнинг ўз ўрнини топишида тўсиқ бўлмоқда. Ҳаттоки, бир сафар ҳамма босқичлардан ўтганимда, очикдан-очик, пора берсам, танлов бўлаётган лавозимга буйруқ чиқариб беришларини ҳам сўрашди. Мен эса пора бериб ишга киргандан кўра, ишламаганим яхшилигини айтдим.

Баъзида «vacancy.argsos.uz» ҳақида гап кетганда юрдошларимизнинг «Ҳаммаси ўзбекнинг» қабилдаги гап-сузлари қулгоимизга чалинади. Хўш, бу гапларда қанчалик жон бор? Танлов ғолиби бўлиш учун нима қилиш керак? Агар платформа мақсадида тўлиқ эришолмаётган бўлса, сабаблари нимада? Мазкур мақолада танлов иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари асо-



ШАФФОФ МЕХАНИЗМНИ АЙЛАНИБ ЎТАЁТГАНЛАР КИМЛАР?

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЮҚОРИ БИЛИМ ВА МАЛАКАГА ЭГА КАДРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА. БУНИ ҲАММАМИЗ ЯХШИ БИЛАМИЗ. АММО ИШГА КИРИШДА, ХУСУСАН, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА ХИЗМАТГА ОЛИШДА ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК, УРУҒ-АЙМОҚЧИЛИК, КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ КЎП УЧАРАШНИ КУЗАТАМИЗ. ШУ БОИС, ДУНЁНИНГ РИВОЖЛАНГАН КЎПЛАБ ДАВЛАТЛАРИ МАЗКУР ЖАРАЁННИ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМГА ЎТКАЗГАН.

сида ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

ИНСПЕКТОРЛАР ЯНГИ ТИЗИМГА МОСЛАШОЛМАПТИ(МИ)?


– Ҳозиргача «vacancy.argsos.uz»да 46 та вакант лавозимга номзод сифатида қатнашганман, – дейди Фарғона вилояти Кува туманилик Ахроржон Раҳмонов. – Масалан, жорий йилда ҳам тумандаги 2-мактаб директорлиги ва

туман ташкилотларида кадрлар бўйича инспекторлар тизимда ишлагани ҳали ўзлаштирилмаган. Айрим ҳолатларда эса уларнинг инсон омили аралашувига йўл қўйётганини ҳам пайқаш мумкин. Бу эса керакли номзодларнинг ўз ўрнини топишида тўсиқ бўлмоқда. Ҳаттоки, бир сафар ҳамма босқичлардан ўтганимда, очикдан-очик, пора берсам, танлов бўлаётган лавозимга буйруқ чиқариб беришларини ҳам сўрашди. Мен эса пора бериб ишга киргандан кўра, ишламаганим яхшилигини айтдим.

Бундан ташқари, тест ва суҳбат босқичидан ўтиб ғолиб бўлган номзод туман кенгаши ва ҳокимликка маъқул бўлмаётган ҳолатлар ҳам учраб туради. Шу боис халқ депутатлари туман кенгаши ва туман ҳокимлигининг танловини дастлабки босқичда ўтказиш керак. Шундай йўл тутилса, ўнлаб номзодлар икки-уч ойлаб чўзилувчи танлов жараёнларида қатнашиб обора бўлмасдан, кенгаш ва ҳокимликка маъқул бўлганлар босқичли синовларда ўзларини синаб кўрарди. Чунки барча босқичлардан ўтса-да, туман ҳокими ёки туман кенгаши томонидан танланмаган номзод ўзининг қимматли вақтини йўқотмоқда. Оқибатда яна қайтадан танлов эълон қилиниб, ортиқча оворагарчиликлар юзага келади.

«ИШГА КИРИШИНГНИ МЕН ҲАЛ ҚИЛАМАН»

Жалолиддин Раҳимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Тошкент молия институтини тамомлаб, бир неча йил Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Сурхондарё вилояти туман бўлимида ишлади. Яққо ягона синглиси пойтахтга ўқишга киргач, уни ёлғиз қолдиргиси келмай, Жалолид-



дин ҳам ишини ташлаб, Тошкентга келади. Бу орада ўзи ишлаб юрган тизим – Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимидаги мавжуд бўш иш ўрнига «vacancy.argsos.uz» орқали ариза топширди. Аризаси қабул қилиниб, тест саволлари босқичида етарли балл тўплади. Аммо суҳбатда, унинг таъкидлашича, «айлантириб» саволлар беришган ва ўтолмаганини айтишган.

– Шундай бўлса-да, яна икки-уч марта ҳаракат қилдим, – дейди Жалолиддин Раҳимов. – Ҳар гал суҳбатдан қайтдим. Кейин ҳафсалам пир бўлиб, тадбиркорлик йўналишига ўтиб кетдим. Жалолиддин унганча ҳам Мирзо Улуғбек ва Яққасарой туманлари ҳокимлигидаги бўш иш ўринларига ариза топширган. Тест босқичидан ўтган. Бироқ суҳбат босқичига қақришмаган.

– Тегишли ходимлар билан боғланганимда «Тестдан ўтган бўлсанг, нима бўлибди? Ишга киришингни барибир мен ҳал қиламан» деган жавоб олдим, – дейди у. – Таклифим шуки, номзодлар билан суҳбат жараёналари

и жимой тармоқларда тўғридан-тўғри чиқарилса. Қолаверса, номзодга берилаётган саволлар ҳам инсон омилсиз танланса, шундагина ҳақиқий шаффофликка эришилади.

ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛДИ

Зилола Эрматова Юнусобод тумани ҳокимлигида матбуот котиби бўлиб ишлар эди. У платформада Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармасида матбуот котиби лавозимига танлов эълон қилинганини кўргач, ариза топшириб кўришга аҳд қилди.

Аваллога тестларга тайёрланди. Сайтнинг ўзидеги мавжуд саволларни ишлаб чиқди. Шу билан бирга ижтимоий-сиёсий жараёнларни пухта кузатиб, аёллар сиёсати бўйича юртимизда амалга оширилаётган ишларни, қарор ва қонунларни ўрганди. Буни қарангки, ана шу тайёргарлиги, қолаверса, шу пайтгача матбуот хизма-



Долзарб мавзу

ти йўналишида ишлагани қўл келиб, у тестдан ҳам, суҳбатдан ҳам омадли ўтиб, ишга қабул қилинди.

– Истаган инсон платформанинг ичидеги савол ва синов тестларини ба- жариб ўзини синаб кўриши, танлаган йўналишига ишга киришга тайёрланиши мумкин. Бунинг учун мақсадида жиддийроқ ёндашиши ва ҳафсала қилиши керак бўлади, – дейди Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаси матбуот котиби Зилола Эрматова.

МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ЎЗ ТАЛАБЛАРИ БОР

– Аввало шу нарса ни тушуниб олишимиз керакки, «vacancy.argsos.uz» муурожаатчиларни иш билан таъминлайдиган тизим эмас. У билимли номзодга муносиб иш ўрнини таклиф этивчи, иш берувчига эса зарур ва тажрибали ходимни топиб берувчи платформа, – дейди Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи Аббос Акрамов. – Платформанинг энг катта ютуғи мамлакатимизнинг исталган ҳудудда туриб исталган ҳудуддаги мавжуд бўш иш ўрни ҳақида маълумотга эга бўласиз. Бу эса барчага ўз билимини синаб кўриш учун тенг имконият яратади. Шундай ҳолатлар бўлпти-ки, раҳбарлар мазкур тизим орқали ишга қабул қилинган ходимларига нисбатан «Мен кутганимдан ҳам аъло чикди» дейишмоқда. Демак, ташкилотларга муносиб ишчилар, ходимларга эса билим ва тажрибасига мос иш ўрни топиб беришга ҳисса қўшишимиз. Айни пайтда мавжуд камчиликлар устида ишлаб, тизимни янада такомиллаштириш ҳаракатидемиз. Сайтимизга келган маълумотлар асосида ўрганишлар олиб борганимизда, ишга қабул қилишда шаффофликка путур етказган айрим ҳолатлар ҳам аниқланмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида инсон омили аралашувига йўл қўйган ўн нафардан ортиқ ходимга чора кўрилди.

Шу боис, танловда иштирок этаётганларга агар жойларда танлов низомига зид ҳаракатлар кузатилса, @vacancy_argsos_bot га муурожаат қилишни билдиримиз. Шу билан биргаликда, номзодлардан, аввало, талабларни синчковлик билан ўрганиб чиқишлари, ўзларини шу лавозимга муносиб деб билсалар, ариза топширишларини сўраган бўлардик.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Мутасаддилар бу фалокатга дарҳол ижтимоий тармоқлар орқали изоҳ беришди. Ҳозир тергов жараёнлари давом этапти. Аммо ушбу ҳодиса ягона эмаслиги, автобус ҳайдовчилари ўртасида тез-тез такрорланиб турадиган бундай бир-бирига қасдлашларнинг туб сабаблари ҳануз очиклангани йўқ.

Дарвоқе, уч-тўрт йилча муқаддам ҳали йигирма ёшга ҳам тўлган чиптачи йигит автобус балонлари остида қолиб ҳалок бўлганди. Автобус ҳайдовчилари ўртасида ёқа йиртишларга эса кунда-кунора гувоҳ бўлиш мумкин.

Келинг, энди Самарқанд автобусларидаги манзарани бир кўз ўнгимизга келтирайлик. Айтайлик, сиз одам лиқ тўла жамоат транспортда кетяпсиз. Ҳайдовчининг фикри-хаёли эса йўловчиларни манзилга эсон-омон етказишга эмас, балки йўналишдаги рақибнинг йўлини пойлашга қаратилган. Қулгоғида қулқоч. Ҳа «Олдимда 64», орқадан 66-келаяпти», «Сен нега 5 минут ке-

чикдинг, кўряпман. Ҳайдамай-санми, номард?!» деб сўкиниш билан овора. Айримлари ўз транспортини бекатда турган бошқа автобуснинг тумшугига тираб тўхтатади. Қарабсизки, ҳайдовчи-ю чиптачилар ўртасида «разбор» бошланади. Яқинда ана шунақа «разбор»лардан бирига бутун мамлакат гувоҳ бўлди. Икки ҳайдовчи-ю, икки чиптачи бекатда роса солишди. Бундай вазиятда кимга қийин, бечора йўловчиларга? Улар ўриндиқнинг бир четига ғужанак бўлиб ўтирганча, манзилга етиб олишадими. Э, кечирасиз, агар автобусда ўриндиқлар етарли бўлса, ўтирасиз, акс ҳолда, темир тутқичларни ушлаган қўйи тебраниб кетярасиз. Бунақа ҳолатлар шаҳардаги 51- ва 52-йўналишли автобусларда кўп кузатилади. Чунки уларда ўриндиқлар сони камайтирилган. Бу кўпроқ йўловчи олишнинг ўзига хос усули бўлса керак.

Масаланинг эътибор қаратадиган яна бир жиҳати бор. Нега ҳайдовчилар бунчалик жаддор, нега доим асабий? Ҳатто жонини гаровга қўйиб бўлса-да, рақиб ҳайдовчига арслондек ташланишининг боиси нимада? Биз бу саволларимизга кўплаб ҳайдовчилардан деярли бир хил жавоб олдик. Баъзилари «Кунлик режани бажармасак, маош ололмаймиз. Оқибатда бола-чақамиз оч қолади», дейишди. Айримлари «Уч-тўрт сўм ортиқча пул топсақ, ичимизни оғритмайди», деб очигини айтишди. Қўхна Самарқандда жамоат транспорти билан боғлиқ муаммо бугун пайдо бўлгани йўқ. Кейинги пайтларда йўловчиларни ташиш тўлиқ хусусий корхоналар тасарруфига ўтгани туфайли транспорт қатнови билан боғлиқ хурмача қилдиқлар янада кўпаймоқда. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш маданиятига риоя қилиш эмас, яккаш кўпроқ пул топиш талаби қўйилган бир вазиятда ҳайдовчилардан бошқа нима ҳам кутиш мумкин?! Тўғри, шаҳар транспорт тизимидаги муаммоларни ижобий ҳал этиш режалари

Ажабо

Энергияни тежашни ўрганайлик

Қудрат момом оқила ва тежамкор аёл эди. Тез-тез ҳамма нарсанинг уволи борлигини уқтирар, «Нимани қилсанг хор, шунга бўласан зор», дея таъкидларди. Момомдан ўрганганларим менга кундалик ҳаётимда кўп асқатаяпти.

Синглим ҳовлисидаги кечкурун ёқилган чироқни тонггача ўчирмас экан. Буни уникида меҳмон бўлганимда ярим кечаси ташқарига чиққан пайтим билиб қолдим. Атайлаб чироқни ўчириб қўйдим. Эрта-лаб унга электр тоқини беҳуда исроф қилмасликни, тежамкор бўлишни маслаҳат бердим. Шундан буён синглим бу ўғитимга амал қиладиган бўлди.

Бир танишимниқига таъзия билдиргани борганимда кўппа-кундузи уйда электр лампа ёниқ турганини кўрдим. Ажабланиб, сабабини сўраганим, «Бизда марҳум чиққан хонада 40 кун чироқ ёниқ туради», деди. Бу исрофгарчилик эмасми? Қачон энергияни тежашни ўрганишимиз? Аслида биз ота-оналар болаларимизга энергияни тежаш маданиятини ўргатишимиз, уларга намуна кўрсатиб, уйдаги ортиқча чироқларни ўчириб юришимиз зарур. Чунки табиий ресурслар ҳам бир кун қилиб тугаши мумкин. Албатта, кўп нарса уй бекасига боғлиқ. У доно ва тежамкор бўлиши лозим. Ҳаво совуқчилик ишлаётганида хона эшиги очик қолса, хар дақиқа учун энергия сарфи икки баробарга ортади. Кир ювиш машинасида кийим-кечак-

лар + 600 С дан паст ҳароратда ювилса, энергия сарфи 30-40 фоизга қисқаради. Маиший техникаларни сотиб олишда ҳам зукколик талаб этилади. «А», «А+», тоифадаги маиший техника ва электр жиҳозлар энергияни тежашга ёрдам беради. «А+++» тоифасидагиси «С» тоифасидагига нисбатан 50 фоиз кам энергия ишлатади. Советкич газ плитаси ёки иситиш радиатори ёнига ўрнатилса, электр энергияси истеъмолли 20-30 фоизга ошади. Шунинг учун асло уни бу ерга жойлаштирмаг. Электр лампаларни танлашда ҳам эҳтиёт бўлинг. Фақат энергияни тежайдиганини харид қилинг. Шунда бир дона энергия тежовчи лампочка шарофати билан бир йилда 80 минг сўмлик маблағингизни иқтисод қиласиз. Ҳар бир инсон уйдан чиқаятганида чироқни ўчириб юрса, кундузи табиий ёруғликдан фойдаланиб, атрофидеги қолган ҳам шунинг ургатса, энергияни тежашга катта ҳисса қўшган бўлади. Электр энергиянинг асосий қисми кўмир, табиий газ, торф, нефть, сланец каби фойдали қазилмалар ёқилишидан олинади. Дунёда 200 млрд. тоннадан кам нефть захираси бор. У бор-йўғи 47 йилга етади. Кўмир захираси 1 трлн. тонна бўлиб, 133 йилга, 170 млрд. куб метр микдорда қолган табиий газ эса 52 йилга етади, холос. Шу боис табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз, энергияни тежаш маданиятини ўрганишимиз шарт!

Хонбиби ҚИММАТ ҚИЗИ,
журналист

Мулоҳаза

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Зебо МИРЗО

СЕН БОРКИ, ХАЛҚ БЎЛИБ БИРЛАШАМИЗ БИЗ!

Хали башарият мурғак уйқуда Билмаганда қалам, ҳарфу имлони. У тоғлар кўксига гул қилиб чизди, Гул дея англатди ёруғ дунёни.

Одамлар қуллар ортидан қувиб Жонлик келтирғанда очоқ-молага. У булоқ сувни узатди қуйиб, Гул баргини битиб лой пиёлага.

Балки ўша тасвир, балки ўша сир Ҳавонинг Атога бўлган дилидир? Биламан, қайси сўз бўлмасин ўша, У менинг юрагим – Ўзбек тилидир!

Боболар тили бу, эй Она тилим, Сендан келар олис дала-дашт иси. Учар арғумоқлар қанотида сен Қолдирган изларда қурашлар изи.

Сен демасан: «Ўлди, ёндир, қасос, қон!» Сен дегайсан: «Бағрим, севаман, ишон!» Миллион йиллик очиқ дастурхонингда Бугдўй сўзу бугдўй юрагингдир нон!

Само узра сочиб лавҳ хаттоти Ҳикматлар китобин этганда тамом. Бир сўз-ла жам қилди аждодлар ёдин «Қутадғу билиг»га Хос Ҳожиб бобом!

Кимдир бузиб ўтар, ким эса тузиб, Бахт на Мақдун, Чингиз олган тахтадир! Қилч соясида жаннатдир, ва лек «Куч бирликда, қудрат Адолатдир!»

Ўйлаганми тарих минг йиллар нари Кўрайин деб дунё ўзбекларини, Соҳибқирон тутган туғ билан ғолиб Тузганида «Темур тузукларини!»

Олис юлдузларга чўзиб қўлини Замин излаганда йиллар қаъридан, Ёрқин тафаккурнинг ёруғ йўлини Топди Улуғбекнинг жадвалларидан!

Сен – осмон илмини битгувчи китоб, Сенда гўёларнинг рангин тушлари. Сенда очилди ахир бобма-боб Миллиард юлдузларнинг нуртовушлари...

Сен – майсалар тили, булбул кўз ёши, Сен – шеъринг қаноти, руждир мукамал.

Беш дoston беш қитъа бўлиб порлади Навоий ҳайратдан шеър айтган маҳал!

«Осон эмас бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ!» Шеър аҳли юз йиллаб тузган дунёни Бир шер панжаси-ла олди у бирок!..

Ҳазрат Навоийдан қолган қутлуғ сўз, Илоҳий илҳомдан яралган тилим. Бобурни йиғлатган, етти иқлимга «Бобурнома» бўлиб таралган тилим.

Сени унутмадим истибдод чоғи Ҳар лаҳза қонимда қилчидек ўсдин! Чирмаб келганда зулмат кучоғи Қалбимни кучоқлаб нур бўлиб тўсдинг!

Қадим оҳанглардан мен сени топдим Изилди тафаккур осмонларидан. Бир буюк халқ бўлиб чиқиб келдинг сен, «Турғули», «Алломиш» дostonларидан.

Ким сени танимас, тан олмайди ким, Камтар камолингни мақташ шарт эмас! Футбол майдонидан энг одил ҳақам, Шахмат қиролининг юришидай бас!

Олимп саҳнасида ўзбек кураши, Бузун дунё билар «ёнбош», «чала»ни. Ҳалоллик йўлини ўргатдинг жангда Ўрагдинг меҳринг сирини – аллани!

Ҳатто дўпписининг четида бир шеър, Қаштали кўйлагин ёқаси – ғазал. Жаннат эшигини очувчи бир сир – О, балки, ўзбеки каломдир азал!

Сен – тилим тагида турган аччиқ тош, Сенсиз мен ҳеч кимман, йўқдирман, билдим! Сен – тирик хазина, сен – тирик афсун, Сени англадим-у, дунёга келдим!

Қисиниб-қимтиниб юрмайман четда, Кибр ё манманлик эмас фалсафам. Ўзбек каломиди Аймон, Номус, Ор Ва икки дунёнинг саодати жам!

Сен – муҳаббат тили ҳамда эрк тили, Сен борки, Ҳақ билан сирлашамиз биз! Сен жасорат тили ва мардлик тили, Сен борки, халқ бўлиб бирлашамиз биз!

Ўз даврининг машҳур фақиҳи ва мутакаллими Мухаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандийдир. У ўзидан асло долзарблигини йўқотмайдиган улкан илмий мерос қолдирди. «Лубоб ул-калом» (Калом илмининг жавҳари), «Тариқат ул-хилоф Фил фиқҳ байнал аиммат ал-аслоф» (Ўтган уламолар ўртасида фиқҳ илмидаги ихтилоф йўллари), «Базл ан-назари фил усул» (Фиқҳ асосларига чуқур назар) ва «Мийзон фи усул ал-фиқҳ» (Усули фиқҳда мезон) каби асарлари бизгача етиб келган. Асосан Туркия, Миср ва Уммон тадқиқотчилари томонидан баҳоқил ўрганилиб, нашр этилган.

Алломининг тўлиқ исми Абулфатх Алоуддин Мухаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Хусайн Усмандий Самарқандий бўлиб, манбаларда у зот 1095 йили Самарқанд қишлоқларидан бири – Усмандда туғилиб, 1157 йили 64 ёшида шу ерда вафот этгани айтилади.

Эзма манбаларда аллома туғилиб ўсган жойининг «Асманд» ёки «Усманд» деб номланиши билан боғлиқ кўпгина ихтилофлар мавжудлиги келтирилган. «Усманд» атамаси вақт ўтиши билан товуш ўзгариши натижасида «Усма»га айланган. Бунинг билан марказидан етмиш километр узоқликда жойлашган шу номли шаҳарча ҳамда туман марказида, Қўрғонтепа пойида «Усма ота» зиёратгоҳи мавжудлиги ҳам тасдиқланади. Шунингдек, бахмаллик ёзувчи Сайид Азим тарихчи олимлар Олимжон Жўраев ва Жалолдин Жўраев фикрига таяниб, Усма ота қабрини машҳур фақиҳ, ўз даврида шарият қонунларининг йирик билимдони ҳисобланган Абулфатх Мухаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандий номи билан боғлайди.

Алоуддин Усмандий қатор ислоний илмлар, айниқса, фиқҳ, ҳадис ва калом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларни ўрганадиган илм ал-хилоф (мунозара илми) бўйича етук олим ҳисобланган. У илм аҳли орасида кечадиган баҳс-мунозараларда чуқур билими,



беназир иқтидори ва фавқулодда салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам илм аҳли орасида «Оламнинг устун», «Устун», «Диннинг устун» каби юксак унвонлар билан машҳур бўлган. Аллома ўзидан улкан илмий-маънавий мерос қолдирган бўлиб, ҳаммаси араб тилида ёзилган. Манбаларда аллома ҳаёти давомида ислоннинг калом, мунозара илми, тафсир ва усули фиқҳ соҳаларига оид ўн учта ноёб асар ёзгани баён этилади. Бизгача олтин асари етиб келган бўлиб, нусхалари ҳақон қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Алломининг мотуридия калом мактаби қарашларини ўзда акс эттирган «Лубоб ул-калом» номли шох асарининг икки қўлёзма нусхаси сақланиб қолган. Улардан бири Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Қора Чалабийзода бўлимида сақланади. Бу асарнинг энг қадимий нусхаси бўлиб, у араб ҳарфлари билан нуқталарсиз, настаълиқ хатида ёзилган. Китоб Али ибн Нахжумдин номли хаттот томонидан 1303 йилда – аллома вафотидан қарийб бир ярим аср ўтгач кўчирилган. Асар туркиязык олим доктор Мухаммад Саид Узерварли томонидан тадқиқ этилиб, 2005 ва 2019 йилларда нашр этилди.

Асарнинг иккинчи қўлёзма нусхаси эса Сулаймония кутубхонаси Шаҳид Али Пошо бўлимида сақланади. Бу нусха хаттот Юсуф ибн Байрамбек ибн Исмоил ибн Исо томонидан 1412 йили настаълиқ хатида кўчирилган.

Ҳанафия мазҳаби мотуридия эътиқодига асосланган мазкур асар муқаддимасида муаллиф уни ёзишдан кўзланган мақсад эътиқодни соғломлаштириш ва тузатиш эка-

нини билдириб ўтади. Қўлаб бўлимлардан ташкил топган «Лубоб ул-калом»да, энг аввало, илм турлари, инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни ҳақида қимматли фикрлар билдириб ўтилади. Ушбу асарда, тўғри маълумотларга эга бўлиш учун оламни билиш керак, дейилади.

«Лубоб ул-калом» асари Имом Мотуридийнинг «Тавҳид» ва «Таъвилот ул-Қуръон», Абу Муин Насафийнинг «Табсират ул-адилла» асарларида ўз аксини топган аҳли сунна вал жамоа ақидасини кенг тарғиб этишда ўзига хос манбадир. Мазкур асарларда илгари сурилган мазкурларнинг «Лубоб ал-калом»да ҳам ўз ифодасини топгани фикримиз далилдир. Зеро, бу асар муаллиф айтганидек, эътиқодни тузатишни бошловчи кишилар учун ҳидоят манбаи бўлсин, деган мақсадда ёзилган.

Усмандийнинг «Лубоб ул-калом» асари ҳозирги ғоялар кураши авж олган бир даврда ёшларимизга муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда мафкураравий иммунитет ҳосил қилиш учун муҳим манба ҳисобланади. Айниқса, ботил даъволарни илгари сураётган оқимларга қарши ғоявий зарба беришда қўл келадиган омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Алоуддин Усмандийнинг Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг кенг ёйилишига қўшган ҳиссасини инобатга олиб, Бахмал туманидаги Ўсма ота зиёратгоҳини туризм объектига айлантириш мақсадга мувофиқ.

Отабек МУҲАММАДИЕВ, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари

Тадбир



Тошкент шаҳри

БАРЧАМИЗНИНГ ЗИММАМИЗДАГИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицейда тил байрамига бағишланган тадбир ўтказилди. Унга таниқли ёзувчилар, олимлар, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар таклиф этилди.

Академик лицей директори Фариди Назирова анжумани очар экан, тилга муҳаббат тилдан завқланишдан бошланганини, ёшларимиз сўз бойликларида ўринли фойдаланишлари лозим-

лигини эслатди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдурашид Нурмурадоев эса миллий адабиётимизнинг энг сара асарларидан намуналар келтириб, сўзларни қўллаш, гап тузиш маҳорати ва имло қоидаларига риоя

қилиш шартлари хусусида тўхталди. Она тилимизга оммавий меҳр-муҳаббат уйғотишда бадий асарлар алоҳида ўрин тутишини, ҳазрат Алишер Навоийнинг «Тилга эътибор – элга эътибор» деган ҳикмати зами-

рида бир олам маъно муҳассамлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Инсон чет тилини ўрганиш учун, аввало, ўз она тилини мукамал билиши, ўзга тилдан ўзлашган янги сўзлар луғатимизни қашшоқлаштириб қўймастлиги керак, – деди сиёсат фанлари доктори, профессор Нарзулла Жўраев. – Тил ўрганиш жуда фойдали, аммо ёт тилда бийрон гапириб, ўз она тилида бир оғиз сўз айтмай бўлмаган бўлиш ўта аянчли ҳолдир. Демак, сизларнинг зиммангизда она тилимизни асраб-авайлашдек юксак масъулият турибди.

Лицей ўқувчиларининг тил байрамига бағишлаб ёдлаган шеърлари, сахна кўринишлари давра қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Дилобар НУРМУРАДОВА, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси

Ҳангома



Жияним Улуғбекнинг хотини дўкон очган. Аммо у шунчалик торки, бош сисса, елка сиймайди. Лекин унда, озгина лофи билан айтганда, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ун, ёғ, гуруч дейсизми, ширинликлар дейсизми, картошка-пиёз, қовун-тарвуз дейсизми?.. Ҳатто велосипеднинг эҳтиёт қисмларини сўрасангиз ҳам топиб беришади.

Дўкондан харидорлар аримайди. Фақат битта муаммоси: нақдга олувчилардан насиячилар кўп. Шу сабаб келин қарздорлар учун иккита дафтар тутган. Биринчи дафтарга пенсионерлар, иккинчи дафтарга эса бошқа харидорларнинг рўйхати ёзилган.

– Пенсионерлардан қарзини ундириш

осон, – дейди келин. – Лекин иккинчи дафтарнинг рўйхатини камайтириш қийин. Сўрасангиз, «Эрта-индин ойлик оламан», дейди. Кейинги гал сўраганимда, «Маошни ишлаб юбордим. Энди кейинги ойликдан қарзимни узаман», дейди. Охири тўламай кетадиганлари ҳам бор.

Яқинда келин қарзини ундиришнинг ғаройиб йўлини топибди. Бировнинг уйига

Бартер

Бобомурод ТОШЕВ

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан 2021 йил 27 октябрда Мамажонов Махмуд Махмадминич номига берилган М.Г. № 1780-рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Кармана тумани кенгаши раиси Улуғбек Мусаевга онаси **Раъно МУСАЕВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сўхроб РАФИҚОВ, Шокосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулло ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Боли муҳаррирининг биринчи ўринбосари), Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Қасаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, тақдирли, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

- Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Қорғон вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. **Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.**

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов **Мусаҳҳилар:** Д. Худойберганаева, Д. Равашанова **Саҳифаловчи:** Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:30 Топширилди – 22:40

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Бунортма **Г-1006 31342** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6 **Баҳоиси келишилган нархда** **Манзилимиз:** 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «iproteka bank» Яшнубод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130